

Шайхулислам Оллоҳшукур Пошшозода Нобель тинчлик мукофотининг номзоди сифатида тасдиқланди



11:00 / 14.09.2020 2723

Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислам Оллоҳшукур Пошшозода тинчлик бўйича Нобель мукофотига Озарбайжон томонидан номзоди қўйилди. Бу ҳақда Халқаро Нобель ахборот маркази вице-президенти Бейбалу Алескерова таяниб, «АПА» ахборот агентлиги хабар берди.

Алескеровнинг қайд этишича, Оллоҳшукур Пошшозода Нобель тинчлик мукофотининг эксперт гуруҳи томонидан номзод сифатида тасдиқланган.

Islam.ru маълумотлари бўйича, бу мукофотга номзод иккинчи мартаба қўйилмоқда ва яширин овоз бериш натижалари сентябрь ойи охирида ёки

октябр ойи бошида маълум бўлади.

Эслатиб ўтамиз, Оллоҳшукур Пошшозода Тошкент ислом институтининг илк битирувчиси бўлиб, 1975 йили бир қатор уламолар, жумладан Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ҳам Олий маъҳадни тамомлаган эдилар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати